

ОНЛАЙН МЕДИАДА ЭДЬЮТЕЙНМЕНТ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАСИ (“ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК” ОНЛАЙН ТАНЛОВИ МИСОЛИДА)

Д.О. Ўролова, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Хулоса: Мақолада ёшлар аудиториясида маълум бир билим-кўникмани шакллантиришда қайси восита ва метод самаралироқ экани аниқланган. Эдьютейнмент методига таъриф берилган ҳамда унинг самараси борасида сўз юритилган. Тадқиқот доирасида эдьютейнмент услубининг самарасини аниқлаш учун синов-эксперимент методидан фойдаланилган. Мазкур эксперимент натижаларига таянган ҳолда кенг кўламли махсус лойиҳа ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилиниб, керакли натижалар олинган. “Хуқуқий саводхонлик” деб номланган онлайн танлов Телеграм мессенжериде тест ҳамда ўйин техникаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган. Танлов доирасида бир ой давомида жами 250 га яқин тест саволлари тақдим этилган. Унда 4 мингдан ортиқ ёшлар фаол иштирок этган. Танлов якунида қатнашчиларнинг 97,7 фоизи маълумотларнинг бу тарзда берилиши уларнинг билимларини оширишга хизмат қилганини билдиришган.

Калит сўзлар: онлайн медиа, эдьютейнмент, ёшлар, интернет, ижтимоий сўровнома, онлайн танлов, тест.

Кириш ва гипотеза

Эдьютейнмент атамаси инглиз тилидаги сўзлар қоришмасидан келиб чиққан бўлиб, education – таълим, entertainment – ўйин-кулги маъноларини билдиради.

Эдьютейнмент умумий концепция бўлиб, ўз ичига геймификация, ўйин педагогикаси каби кўплаб тенденцияларни олади. Масалан, геймификация – замонавий масофавий электрон таълимни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларидан бири. Мазкур термин инглиз тилидаги Game – “ўйин” сўзидан келиб чиққан бўлиб, ишда, ўқишда, кундалик ҳаётда жиддий, зерикарли масалаларни фойдаланувчиларни жалб қилиш учун ўйин элементларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилишини ифодалайди. Ўйин педагогикаси эса ўйинлар орқали ўрганишни англатади. Яъни, ўйинга ўқув компоненти қўшилади. Ўйин педагогикасида кўнгилочарлик ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаслиги мумкин. Баъзи ўйинлар мураккаб ва жиддий тузилган бўлади.

Австралия университети профессори Маккуори Ян Вангнинг таъкидлашича, “Эдьютейнментнинг асосий мақсади ўйин-кулгу орқали маълумот олиш жараёнини диверсификация қилиш, яъни “қуруқ” назарияни ўйин техникаси билан аралаштириш саналади” (Wang, 2007).

Шунингдек, Италия университети профессори Боккони Микела Эддиснинг фикрича, “Объектни қизиқарли қилиш учун материални ўрганиш, янгиликни топиш учун мотивация яратиш керак” (Addis, 2002).

Шу каби кўплаб илмий мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур метод орқали ёшларга мураккаб ва расмий тилдаги ахборотни етказишнинг қатор афзалликлари мавжуд:

— Ёшлар табиатан тез зерикувчан, диққатини узоқ вақт бир жойда ушлаб туриши мураккаб бўлгани сабабли маълумотларни ўйин шаклида бериш уларнинг қизиқтира олади.

— Бу метод ёрдамида олинган маълумотлар тушунарли, қабул

UROLOVA Dilshodabonu
Olimjon qizi – PhD
student of Journalism and
Mass Communications
University of Uzbekistan

УРОЛОВА Дилшодабону
Олимжон кызы,
базовый докторант Уни-
верситета журналистики
и массовых коммуника-
ций Узбекистана

қилишга осон ҳисобланади.

— Маълумотлар бошқа методда ўрганилган нисбатан хотирада мустаҳкам ўрнашиб қолади.

Методлар ва манбалар

Тест ечиш фақатгина билим даражасини аниқлаш усули эмас, самарали ўқиш ва эслаб қолиш техникаси ҳам ҳисобланади. Бу мулоҳазани “Science” илмий журналида чоп этилган эксперимент натижалари ҳам тасдиқлайди (Jeffrey, Janell, 2011). Тадқиқотчилар 200 нафар коллеж ўқувчилари иштирокида иккита тажриба ўтказишган. Биринчи тажрибада қатнашчилар уч гуруҳга бўлиниб, уларга бир хил матн тарқатилган. Биринчи гуруҳдан матнни қайта-қайта ўқиб, такрорлаш орқали уни эслаб қолиш сўралган. Иккинчи гуруҳга эса матнни бир маротаба ўқиб бўлгач, уни мустаҳкамлаш учун тест топшириқларини ишлаб чиқишлари кераклиги айтилган. Сўнгги гуруҳга матнни ўзлаштириб бўлгач, ундаги маълумотлар кетма кетлиги харитасини ишлаб чиқиш, жадвал ёки диаграммалар шаклига солиш орқали ёдда сақлаш топшириғи берилган. Орадан бир ҳафта ўтгач, талабалар ўртасида қайта сўров ташкиллаштирилган. Ўтган сафар ўрганиб чиқилган матнларнинг қанча қисмини эслаб олишлари синовдан ўтказилган. Даставвал, тадқиқотчилар тест ечиш орқали матнни ўзлаштириб олган иштирокчилар бошқаларга қараганда матннинг камроқ қисмини эслаб қолишади, деб тахмин қилишганди. Лекин натижалар бу тахминнинг тамомила аксини кўрсатди. Яъни, тест-синов техникасини ишлатган талабалар қолган икки усулни қўллаганларга нисбатан 50 фоиздан кўпроқ маълумотларни эслаб қолишгани маълум бўлди.

Тадқиқот доирасида эдьютейнмент услубининг самарасини аниқлаш учун синов-эксперимент методидан фойдаланилди. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 40 нафар талабаларига уч хил қисқа илмий матнлар тарқатилди. Биринчи матнни шунчаки диққат билан ўқиб чиқиш сўралди, иккинчи матнни ўқиш билан бирга ўзлари учун янги маълумотларни ёзиб олиш лозимлиги айтилди. Кейинги матнни ўқишдан олдин тест саволлари берилди ва уларга жавобни матндан излаб топиб белгилаш кераклиги таъкидланди. Вазифалар бажарилгач, 10 кундан сўнг худди ўша гуруҳга учта матннинг ҳар бири асосида ўнтадан ёпиқ саволлар берилди. Экспериментда иштирок этган талабалар ёзган жавоблардан маълум бўлдики, диққат билан шунчаки ўқиб чиқилган матннинг 58 фоизи уларнинг ёдидан кўтарилган эди (42% ўзлаштирилган, холос). Янги маълумотлар қайд қилиб олинган матн бўйича берилган саволларнинг эса 65 фоизига тўғри жавоблар берилган. Мазкур кичик эксперимент натижасида тест саволларига жавоблар қидириб топилган учинчи матннинг 79 фоизи ёдда сақлангани маълум бўлди.

Натижалар

Юқорида қайд этилган кичик эксперимент натижаларига таянган ҳолда кенг қўламли махсус лойиҳа ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилиниб, керакли натижалар олинди. “Хуқуқий саводхонлик” деб номланган танлов Телеграм мессенжериди, тест ҳамда ўйин техникаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилди (Хуқуқий, 2022). У бир ой давомида – 2022 йил 9 апрелдан 9 майга қадар Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 686 йиллиги ва II жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 77 йиллиги муносабати билан онлайн тарзда бўлиб ўтди.

Кейинчалик, 2022 йилнинг 20 май санасидан 10 июнь кунига қадар худди мана шу шаклда “Биз монополияга қаршимиз!” онлайн танлови ўтказилди. Танлов аҳолининг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан юқори савияда ташкил қилинди (Биз, 2022).

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 23-июндаги 08-3-1678-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ “Гербим – ифтихорим” онлайн интеллектуал танлови ҳам юқорида кўрсатилган тартиб асосида ташкиллаштирилди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан аҳолининг давлат рамзларига оид билимларини, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилди (Гербим, 2022). Бундай кўринишдаги танлов ҳамда ўқув курслар келгусида яна турли йўналишларда ташкил этилиши режалаштирилган. Зеро, таълим беришнинг бундай янгича технологияси ўзининг юқори даражадаги самарасини бериб келмоқда.

Мунозара

Эксперимент тарзида ўтказилган “Ҳуқуқий саводхонлик” танловининг ўтказилиши ҳақидаги хабарлар кўплаб онлайн манбалар орқали тарқатилди. Асосан, ёшлар аудиториясини қамраб олиш учун реклама-лар ҳам ёшларга, талабаларга мўлжалланган каналларда ёки ҳуқуқий йўналишга қизиқувчи фойдаланувчилар даврасида кўпроқ ёритилди. Масалан, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Телеграм канали “Edu.uz”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли “Huquqiy axborot” канали, шунингдек, “Хушнудбек.уз”, “Davletovuz”, “UzA.uz” каби оммабоп, кўпсонли кузатувчиларга эга йигирмадан ортиқ телеграм каналлари ва гуруҳлари, “Халқ сўзи”, “Оила ва жамият” газеталари шулар жумласидандир.

“Ҳуқуқий саводхонлик” интеллектуал танлови 3 босқичда ташкил этилди, ҳар бир босқич 9 кун давом этди. Ҳар куни 9 тадан ҳуқуққа оид ижтимоий ҳаётда аҳолига керак бўладиган мавзулар юзасидан тест саволлари бериб борилди. Бир ой давомида жами 250 га яқин тест саволлари тақдим этилади, бу орқали иштирокчилар шунча миқдордаги ҳуқуқий ҳамда сиёсий керакли маълумотларни билиб оладилар ва ёдда сақлайдилар. Дастлабки босқичларда осон даражадаги саволлар тақдим этилган бўлса, кейинги босқичларда саволларнинг мураккаблик даражаси ортиб борди. Танловда иштирок этиш мобайнида жавобнинг тўғри ёки нотўғрилиги билдирилди, рейтинг натижалари билан танишиш имконияти тақдим этилди. Бироқ тўғри жавоблар ҳар бир босқич якунида тўлиқ изоҳлари билан кўрсатилди. Бу эса иштирокчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга, шунингдек, танловнинг ҳаққоний ўтишига хизмат қилди.

Иштирокчилар 9 кун ичида истаган вақтларида саволларга жавоб беришлари мумкин эди. Албатта, танлов онлайн бўлгани ва унда вақт чегараланмагани учун иштирокчилар саволларга жавобни турли манбалардан ўзлари қидириб топиб, тўғри жавобни белгилашлари табиий ҳол эди ва айнан шу сабабли ҳам дастлабки босқичларда бундай имконият яратиб берилди. Чунки танловни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад кимнинг қай даражада ҳуқуқий саводхонлиги юқорили-

гини аниқлаш эмас, балки, аҳолининг шу орқали ҳуқуқий билимларини ошириш назарда тутилганди. Аслида, буни танлов кўринишига эга ўқув курси сифатида ҳам талқин этиш нотўғри бўлмайди.

Танловнинг иккинчи босқичига фақат биринчи босқичдаги саволларнинг 50 фоизидан кўпроғига тўғри жавоб берганлар ўтказилган бўлса, учинчи босқичда ҳам худди шу тартибдаги шарт асосида иштирокчилар саралаб борилди. Олдинги босқичларда тўпланган баллар сақлаб қолинди.

Албатта, ёшларни бирор рағбатлантирувчи воситаларсиз бу каби шартларни бажаришга ундаш мураккаблик туғдиради. Шу туфайли, танловга ҳомийлар жалб қилиниб, ғолибларга диплом, шунингдек, ноутбук, планшет, смартфон, ақлли соатлар каби қимматбаҳо совғалар берилиши кўзда тутилди. Танловнинг учинчи босқичида иштирок этган ҳамда юқори балл тўплаган 200 нафар қатнашчига ҳам махсус сертификат ва китоблар жамланмаси тақдим этилиши белгиланди.

“Ҳуқуқий саводхонлик” танлови ўз якунига етгач, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ташкиллаштирилди ва белгиланган совғалар ўз эгаларига тақдим этилди.

Айтиш мумкинки, бир ой давомида ўтказилган ушбу онлайн танлов бутун Республика бўйлаб оммалашиб кетди. Унда кутилгандан-да кўпроқ интернет фойдаланувчилари иштирок этишди, ўз билимларини янада орттиришди. “Ҳуқуқий саводхонлик” танловида Ўзбекистон аҳолиси, айниқса, ёшлар фаол иштирок этишди. Иштирокчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларидан уларнинг 68 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлар эканлиги аниқланди. Қолган қисми, яъни қатнашчиларнинг атиги 32 фоизи 30 ёшдан катталар экани маълум бўлди.

Умумий ҳисоб-китобга кўра, 79 162 нафар интернет фойдаланувчиси танлов ботига аъзо бўлган. Улардан 44 502 нафари танловда қатнашишнинг барча шартларини бажариб, рўйхатдан тўлиқ ўтган. Улардан 48,8 фоизи эркалар, 51,2 фоизи аёллардан таркиб топган. Бу эса ҳуқуқий маданиятларини шакллантиришга эрка-у аёллар бирдек бефарқ эмасликларини ифодалайди.

Биринчи босқичда 4 250 нафар иштирокчи фаол қатнашган бўлса, улардан саволларнинг 50 фоизидан кўпроғига тўғри жавоб берган 1 582 нафари иккинчи босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган. Учинчи босқичга эса 969 нафар иштирокчи етиб келган. Албатта, бундай катта кўрсаткичлар ўтказилган танловнинг кўп сонли аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилганини ифодалайди.

Таълим беришнинг ушбу методи кутилгандан-да кўпроқ самара берди. Танлов шаклидаги ўқув курси якунида иштирокчилар орасида ўтказилган сўровнома ҳам буни тасдиқлади. Унга кўра, танловда иштирок этганларнинг 97,7 фоизи танлов уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилганини билдиришган.

«“Ҳуқуқий саводхонлик” танлови орқали билмаган маълумотларингизни билиб олдингизми?» тарзида тақдим этилган саволга эса 80,9 фоиз респондентлар “Ҳа, жуда кўп маълумотларни билиб олдим” деб жавоб беришган. Уларнинг атиги 17,9 фоизи эса “Танловдан кўп эмас, бир нечта маълумот ола олдим” дейишган. “Йўқ, бирорта ҳам янги маълумотга эга бўлмадим” деганлар эса 1,2 фоиз иштирокчиларнигина ташкил этди, холос.

Таълим беришнинг бундай шакли иштирокчиларга ҳам маъқул келганини қуйидаги сўровнома натижаларидан билиб олиш мумкин. Унга кўра, 94 фоиз иштирокчилар танловни қўллаб-қувватлашини ва

келгусида бошқа соҳаларга оид шу каби онлайн танловларнинг ташкил этилиши зарурлигини маълум қилишган. Атиги 6 фоиз қатнашчилар бу шаклдаги танлов бошқа йўналишдаги саволлар асосида қайта ташкил этилишини қўллаб-қувватлашмаган, холос.

Танлов натижалари орқали аниқланишича, ғолиб иштирокчилар, асосан, талабалардан иборат бўлган. Бунга улар ўрганган мавзуларнинг ҳали ёдларидан чиқмаганлигини, тегишли билимларни ўзлаштирганларига кўп вақт ўтмаганини сабаб сифатида келтириш мумкин.

Энг кўп тўғри жавоблар Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими билан боғлиқ саволларга берилган. Энг кўп нотўғри жавоблар эса маълум бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликка нисбатан айнан қайси ва қанча муддатдаги жазо тури қўлланилиши борасидаги саволларга нисбатан кўрсатилган. Бундан келиб чиқадики, давлатимизнинг сиёсий тизимига оид маълумотлар аҳолига етарли даражада етказиб берилмоқда, бироқ жиноятга бериладиган жазо ҳақидаги билимлар тарғиботи оқсамоқда.

Хулосалар

Ёшларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш учун интернетда, айниқса, ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда таълим берувчи сайтларни кўпайтириш, турли ижтимоий тармоқларда уларнинг саҳифаларини юритиш, тест синовларига асосланган қизиқарли онлайн ўйинлар, мусобақа ва танловлар ўтказишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Онлайн курсларни ташкил этиш ва улар орқали керакли билимларни ўзлаштириш имконини яратиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Турли билимларни доимий равишда бериб борувчи машғулотларни интернетда ташкил этиш ижобий самара беради.

Ёшларга мўлжалланган онлайн курслар, танловлардаги барча элементлар ёшларнинг хусусиятлари ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда ташкил этилиши даркор. Платформанинг дизайнидан тортиб, ундаги ҳар бир контент тил, услубгача ёшларбоп бўлиши лозим. Онлайн медиада эдьютейнмент методи орқали ёшларга мураккаб ва расмий тилдаги ахборотни осон етказишнинг қатор афзалликлари мавжуд.

Маълумотларни ёдда сақлаб қолишнинг самарали усуллари қаторига савол-жавоб, тест каби синов усуллари қиради.

Адабиётлар рўйхати

Addis, M. New technologies and cultural consumption. Edutainment is born – Bocconi University: Marketing Department, 2002. – С.13.

Jeffrey D, Janell R. Retrieval Practice Produces More Learning than Elaborative Studying with Concept Mapping – Science Express, 2011.

Retrieval Practice Produces More Learning than Elaborative Studying with Concept Mapping URL: <https://www.science.org/doi/abs/10.1126/science.1199327> (Мурожаат вақти: 14:46 / 04.02.2023.)

Wang Ya. Edutainment technology - a new starting point for education development of China. WI.: Milwaukee, 2007. – С.10-13.

“Ҳуқуқий саводхонлик” танлови низоми. URL: <https://jurnalistlar.uz/uzb/press/articles/khukukii-savodkhonlik-tanlovi-nizomi> (Мурожаат вақти: 19:32 / 22.04.2022.)

“Биз монополияга қаршимиз” танлови Низоми. URL: <https://jurnalistlar.uz/uzb/press/biz-monopoliyaga-qarshimiz-tanlovi-nizomi> (Мурожаат вақти: 14:45 / 04.04.2022.)

“Гербим-ифтихорим!” онлайн интеллектуал танлови низоми URL: <https://jurnalistlar.uz/uzb/press/articles/gerbim-iftikhorim-onlain-intellektual-tanlovi-nizomi> (Мурожаат вақти: 14:44 / 04.04.2022.)

ЭФФЕКТ ОТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА ЭДЬЮТЕЙНМЕНТ В ОНЛАЙН-СМИ
(НА ПРИМЕРЕ ОНЛАЙН-КОНКУРСА «ПРАВОВАЯ ГРАМОТНОСТЬ»)

Д.О. Уролова, Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Аннотация: В статье определяется, какие средства и методы являются более эффективными при формировании определенных знаний и умений у молодежной аудитории. Определен метод Эдьютейнмент и обсуждена его эффективность. В рамках исследования был использован метод тест-эксперимента для определения эффективности метода Эдьютейнмент. По результатам этого эксперимента был разработан и воплощен в жизнь масштабный специальный проект, и были получены желаемые результаты. Онлайн-конкурс под названием «Правовая грамотность» был организован с использованием тестовых и игровых методик в мессенджере Telegram. В ходе конкурса в течение одного месяца было подано в общей сложности около 250 тестовых вопросов. В нем активно приняли участие более 4000 молодых людей. В конце конкурса 97,7% участников заявили, что информация, предоставленная таким образом, способствовала расширению их знаний.

Ключевые слова: онлайн-медиа, Эдьютейнмент, молодежь, интернет, социальный опрос, онлайн-конкурс, тест.

THE EFFECT OF USING THE EDUTAINMENT METHOD IN ONLINE MEDIA
(IN THE EXAMPLE OF THE "LEGAL LITERACY" ONLINE COMPETITION)

D.O. Urolova, Journalism and Mass Communications University of Uzbekistan

Abstract: In the article, it is determined which means and methods are more effective in forming certain knowledge and skills in the youth audience. The method of edutainment is defined and its effectiveness is discussed. As part of the research, the test-experiment method was used to determine the effectiveness of the edutainment method. Based on the results of this experiment, a large-scale special project was developed and put into practice, and the desired results were obtained. The online competition called "Legal Literacy" was organized using test and game techniques in the Telegram messenger. During the competition, a total of about 250 test questions were submitted for one month. More than 4,000 young people actively participated in it. At the end of the competition, 97.7% of the participants stated that the information given in this way served to increase their knowledge.

Keywords: online media, edutainment, youth, internet, social survey, online contest, test.

YOUTH
Info@uzjok.uz
+99 812 635 07 89
uzjok.uz